O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 29 март, № 60 (3605) Сешанба

## Ўзбекистон Президентининг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири билан телефон орқали мулоқоти

Шу йил 28 мартда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Қурманбек Бакиев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида сўнгги кунлар ва ҳафталарда Қирғизистонда рўй берган воқеалар ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Аҳолининг оммавий норозилик чиқишларига, охир-оқибат Ҳукумат уйининг ишғол қилиниши ва Қирғизистонда ҳокимиятнинг ўзгаришига олиб келган сабаб ҳамда омилларга баҳо беришда томонларнинг позицияси бир хиллиги ва уйғунлиги қайд этилди.

Юзага келган барча муаммоларни ҳуқуқий асослар ва Конституция талаблари доирасида ҳал этиш, бузғунчи кучларнинг мамлакатдаги вазиятни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини бартараф этиш учун мавжуд барча имкониятларни тўла сафарбар қилиш ҳамда улардан фойдаланиш зарур ва муҳим эканлиги ҳам таъкидланди.

Қирғизистондаги бугунги энг муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда томонларнинг ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши ва амалий ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олинди.

(ЎзА).



## Техника мавсумга шай

*Риштон тумани деҳқонлари жорий йилда 9 минг 220 гектар майдонга чигит экиш, шунингдек, 7 минг 400 гектар майдонда етиштирилаётган ғаллани ўз вақтида ўриб-йиғиб олишни мақсад қилганлар.*

*— Барча ҳаракатларимиз йилни ишда ютуқлар билан бошлаб, муваффақиятлар билан тугаллашга қаратилган, — дейди «Кейс» комбайнлари таъмирловчиси Шариф Сиддиқов.*

*Шу боис ҳам туман қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш марказий паркида баҳорги экин-тикин мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. 50 та плёнка остига чигит экадиган сеялка, 831 та борона, 9 та чизель, 172 та ғўза қатор ораларига ишлов бериш техникалари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ўрим-йиғим комбайнлари таъмири ҳам тугалланиш арафасида.*

**СУРАТЛАРДА: таъмирловчилар Шариф Сиддиқов ва Абдураззоқ Эргашев иш устида; экиш сеялкалари мавсумга шай.**

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

ФАРМОНИ

## Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими ва уй-жой қурилишини ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш, шунингдек, экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи навбатда устувор умуммиллий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини назарда тутган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги замонавий технологияларини, жумладан, республикамизда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш асосида жорий этиш ва ўзлаштириш;

тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини ниҳоясига етказиш, хусусий корхоналар барпо этишни рағбатлантириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан қурилиш материаллари бозорини монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини вужудга келтириш;

ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва истиқболда маҳаллий қурилиш хомашё ресурсларининг янги конларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари корхоналарининг оқилона ҳудудий жойлаштирилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Даврхитектқурилиш" қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Ўзқурилишматериаллари" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ўрта махсус касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаблари, болалар спорти, уй-жой ва саноат-фуқаро қурилишини ривожлантириш дастурларининг параметрларига асосан ишлаб чиқилган 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари;

республика минтақаларида 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш ва қурилиш материалларининг янги турларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати;

жойларда амалга оширилаётган ижтимоий ривожланиш дастурлари ва саноат-фуқаро қурилишининг параметрларидан келиб чиққан ҳолда 2005-2010 йилларда республика минтақаларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш бўйича мақсадли вазифалари;

2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ўзлаштирилаётган янги норуда хомашё конлари рўйхати;

(Давоми 2-бетда).

Хабарлар оқимидан

### «Қизилқумцемент» маҳсулотларига халқаро сертификат

Навоий вилоятидаги "Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларига ИСО 9001:2000 халқаро сертификати дипломи топширилди.

Корхонада тайёрланаётган турли хилдаги цемент маҳсулотлари жаҳон андозалари талабларига жавоб беради. Улар мустаҳкамлиги ва сифати жиҳатидан нафақат ривожланган мамлакатларники билан беллаша олади, балки баъзи давлатларникидан устун ҳам, деб баҳоланмоқда.

Шунингдек, жамоа кейинги пайтда маҳсулот ишлаб чиқаришда республикамиздаги турдош корхоналар орасида пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Айни пайтда мамлакатимизда тайёрланаётган цементнинг 48,4 фоизи мазкур жамоа ҳиссасига тўғри келаётир.

**Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

### Нижнийдан Нукусга совға

Нукус кўчаларида Нижний Новгород вилоятининг Павлово шаҳрида ишлаб чиқарилган ўта қулай автобуслар юра бошлади. «ПАЗ 32054-05» русумли бу уловларга замонавий «Кумминс-В140» двигателлари ўрнатилган. 15 та янги автобуслар Қорақалпоғистон пойтахтининг энг серқатнов йўналишларида хизмат кўрсатмоқда.

— Энг муҳими 15 та автобус ҳам дизель ёнилғиси билан ишлайди, — дейди «Қорқақалпоқтранс» акциядорлик уюшмаси раиси, Жўқорғи Кенгес депутати Ҳабибулла Худойберганов. — Авваламбор, шаҳар ғазнасига бир неча миллион сўм нақд пул тушаётган бўлса, иккинчидан, йўл ҳақини юқори қўйган киракашлардан кўра аҳоли янги автобусларни афзал кўрмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

28 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун тавсия этилаётган масалаларга доир таклифларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг раиси А. Турсунов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М. Тешабоев ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидованинг ахборотлари эшитилди. Таклиф этилаётган масалаларни навбатдаги мажлиснинг кун тартибига киритишни Қонунчилик палатасига тавсия этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига таллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

***Жорий йилнинг 25 март куни "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ва уни Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан амалга ошириш тартиб-таомиллари" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис девони масъуллари, олимлар, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***

## Парламент қўмиталарида

Аввало, шуни алоҳида айтиш жоизки, мамлакатимиз Конституциясига асосан, қонунчилик ташаббусига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар. Бу ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Дарҳақиқат, профессионал парламент депутатлари ҳам қонунчилик ташаббусига эга экан, улар ушбу ҳуқуқнинг аҳамиятини тўла англаганлари ҳолда, қонун ижодкорлиги билан унумли шуғулланишлари зарур.

Шу боис семинар-тренинг қатнашчиларига мазкур қўмита раиси Н. Исмоиловнинг ҳамда юридик фанлари доктори З. Исломовнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мавзусидаги маърузалари ҳавола этилди. Фикр-мулоҳаза ва таклифлардан сўнг, иштирокчилар бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши икки палатали парламент тизимида депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашишини алоҳида таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

Хушхабар

### *Курашимизнинг Шри-Ланкадаги эътирофи*



Юртимизда Наврўз айёми давом этаётган шу кунларда Шри-Ланкадан қалбларни қувончга тўлдирадиган хушхабар келди.

Шри-Ланка Парламентининг йиғилишидаги муҳокамадан сўнг, 1973 йилдан буён ўзгармай келаётган 25-рақамли "Спорт тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш киритилиб, ўзбек кураши ушбу давлатда расмий ривожлантириладиган спорт тури сифатида қайд этилди. Бу ҳақда Колумбода чиқадиган "Шри-Ланка ҳукумат газетаси"да мақола берилди. Бу мазкур давлатнинг курашимизга бераётган юксак эътибори, ўзбек халқига бўлган чексиз эҳтиромидан далолатдир.

### *Русланнинг навбатдаги ғалабаси*

Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида иштирок этаётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев Германиянинг Риза шаҳрида ўзининг навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Бу гал Руслан америкалик номдор боксчи Шерман Вильямсга қарши рингга чиқиб, очколар бўйича рақибини мағлубиятга учратди ва профессионал рингдаги ғалабалари сонини 16 тага етказди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

*Умуммамлакат марафони*



## 2456 КИЛОМЕТР ПИЁДА

### 17-27 март кунлари Наврўз байрамига бағишлаб умуммамлакат оммавий марафони бўлиб ўтди

Якунланган йилнинг декабрь ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Конституциянинг 12 йиллигига бағишлаб, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз» шиори остида умуммамлакат оммавий марафонига асос солинганди.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасидаги умуммамлакат иккинчи марафони Наврўз байрамига бағишланди. Ушбу оммавий спорт ҳаракати аҳолининг кенг қатламини, айниқса, ўқувчи-ёшларни узлуксиз спортга жалб этишда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ижобий рол ўйнади, деб бемалол айтиш мумкин. Марафоннинг Нукус — Урганч — Бухоро— Тошкент, Термиз—Китоб—Самарқанд — Тошкент, Наманган — Андижон — Фарғона — Ангрен—Тошкент йўналишларида вилоят терма жамоалари спортчилари билан бирга минглаб ҳаваскор югурувчилар қатнашдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, иштирокчилар сони беш юз минг нафардан ошиб кетди. Асосийси, марафонда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган аҳолининг кенг қатлами — қариялар, аёллар, ёшлар барча-барча фаол иштирок этди. Марафон югуриш, чиниқиш байрами бўлибгина қолмай, балки юртимизнинг муборак гўшаларини зиёрат этиш маросимига ҳам айланди. Иштирокчилар Самарқанд, Хоразм,Бухоро ва бошқа жойлардаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар, кўплаб дўстлар орттирдилар.

— Ҳар бир аҳоли пунктида спортнинг фойдали томонлари ҳақида тарғибот ишларини олиб бордик,— дейди мусобақа бош ҳаками Ашур Нормуродов.— Айниқса, марафонда водий аҳолиси фаол қатнашди. Наманган—Андижон йўналишидаги 20 километр масофада югуриш йўлакчасига одам сиғмай қолди. Бу аҳолининг ушбу спорт тадбирига қизиқиши ошиб бораётганлигини кўрсатади. Бу йилги марафонда вилоят терма жамоаларида тўрт нафардан қиз болалар ҳам иштирок этди.

(Давоми 4-бетда).



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлари.

Суддан кейинги ўйлар

# ҲАҚИҚАТНИНГ ҚИЁФАСИ

## Уни ҳар бир суд ўзича талқин этиши мумкинми?

***Боёвутлик Ислом Усмонов 2003 йил январидан эътиборан тадбиркорликка қўл урди. Шу ниятда “Анор” номли хусусий фирма ташкил этди. Уни рўйхатдан ўтказгач, Абдуфаттоҳ Қаюмовга қарашли чоғроққина дўконни ижарага олиб, чакана савдони йўлга қўйди. Бироқ қад ростлашга улгурмаёқ, кетма-кет сунъий ғовга рўбарў келди. Сабаби...***

Сабаби — туман давлат солиқ инспекцияси ўша йили 12 мартда Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли билан ҳисоб-китобни амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисида”ги ва “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қандай бажарилаётгани юзасидан қисқа муддатли тафтиш ўтказади. 18 апрелда эса солиқ инспекцияси ва турли банкларнинг туман шохобчалари раҳбарлари қарор ижроси назоратини кучайтириш мақсадида хронометраж уюштиришни режалаштирадилар. Шунга кўра, ходимларини хизмат сафарига йўллаш ҳақида қўшма буйруқ имзолайдилар. Унда хўжалик юритувчи бир неча субъект қатори “Анор”да ҳам кунлик накд пул тушумларининг тўлиқ кирим қилиниши ва банк кассаларига топширилиши бўйича мониторинг олиб бориш белгиланади.

Қарангки, солиқ инспекцияси бошлиғи — Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссия раиси муовини У.Чоршанбиев ўша куни ғалати йўл тутади. Қўшма буйруқдан хабардор бўла туриб, прокуратура ҳузуридаги Солиққа ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими(СВОЖҚКБ)га ҳам юқорида тилга олинган қарорлар асосида “Анор”да текшириш ўтказишга рухсат беради. Бу билан “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонун ва “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини бузади. Негаки, уларда режадан ташқари, шу жумладан, қисқа муддатли текширишлар ҳам назорат органига хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ёки қонун ҳужжатлари бузилгани хусусида корхона-ташкилотлардан, муассаса ва фуқаролардан инкор этиб бўлмас аниқ маълумотлар келиб тушганда, фавқулодда вазиятларнинг олди олинаётганда, санитария-эпидемиология ҳолати мураккаблашганда, шунингдек, қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли туғилганда ўтказилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Афсус, У.Чоршанбиев ушбу тартиб-қоидага риоя қилмайди. Оқибатда айнан бир вақтнинг ўзида битта фирмада айнан битта масалада пешма-пеш текшириш ўтказиш мўлжалланади. Шунга кўра, СВОЖҚКБ инспектори Шавкат Худойбердиев дарҳол ишга киришади. Аммо дўкон ёпиқлиги боис дастлаб бирон-бир натижага эришолмайди. 21 апрель куни эса такрорий топшириқни “қойилмақом” қилиб уддалайди. Бундай дейишимиз бежиз эмас.

Аввало, у ўша ҳудудда тижорат ишлари билан банд тадбиркорлар Саида Дадаева ва Зарофат Шариповадан “Анор” дўкони ишлаётгани тўғрисида гувоҳлик беришларини сўрайди. Ўзларидан хавотирланган аёллар “Оч қорним — тинч қулоғим” нақлига амал қилиб, инспекторнинг айтганини қоралаб беришади. Иккинчидан, Шавкат бунақа тадбирда қатнашувчи холис ва гувоҳлар назорат органига ҳам, текширилаётган субъектга ҳам алоқаси йўқ шахслар бўлиши шартлигини “унутиб” қўяди. Холисликка, камида икки киши ўрнига, қонунга хилоф тарзда, фақат бир кишини, яна денг, ўзи ишлайдиган прокуратура идорасининг жамоатчи ёрдамчиси Ихтиёр Жалиловни танлайди. Харидорликка айни ўша дамлар шу бинода қоровуллик қилаётган Ширин шаҳар ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмаси соқчиси Маъмур Мақсудовни жалб этади.

Воқеанинг давоми иш материалларида турлича ифодаланади. Чунончи, Шавкат Худойбердиев жамлаган ҳужжатларда таъкидланишича, ўша оқшом дўкончи Нодир Қаюмов Маъмур Мақсудовга бир шиша ароқни 1000 сўмга сотади-ю, пулни назорат-касса машинасига кирим қилмайди. Бу гапни Маъмур ва Ихтиёр якдиллик ила тасдиқлайди. Нодир эса ўзига қўйилган айбни қатъиян рад этади. Ҳеч кимга ҳеч нарса сотмаганини, фирмада ишламаслигини, аслида отасиники ҳисобланмиш дўконга шахсий электр печкасини олиш учун кирганини уқтиради. Шу боис тушунтириш хати беришдан, баённома-ю далолатномага қўл қўйишдан бўйин товлайди.

Табиий, энди савол туғилади: у ҳолда, кимнинг гапи тўғри?..

Бизнингча, иккала томонни ҳам ёқлаб бўлмайди. Масалан, Нодирни олайлик. У Абдуфаттоҳ Қаюмовнинг ўғли эканлиги, фирмада расман ишламаслиги рост. Лекин Ислом Усмоновга ўзича ёрдамлашиб юрган. Ана шу жараёнда унинг ишончини зимдан суиистеъмол қилган. Дўконда спиртли ичимликлар сотишга ижозат сўраб, туман ҳокимлигига фирма номидан ёзма равишда мурожаат қилган. Махсус рухсатнома тўловини, кунлик савдо пулларини инкассация орқали банкка топширишни амалга оширган. Қизиғи, Нодирнинг исм-шарифи ҳокимлик ва ички ишлар бўлими билан келишилган дислокацияда ҳам сотувчи деб кўрсатилган. Аслида-чи? У 2003 йили тадбиркорлик билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтмаган. Савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани ноқонуний тарзда қўлга киритган. Бундан ташқари, текширишдан уч кун олдин унинг қўлидаги ушбу ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган. Ва яна: махсус рухсатномани янгилаш зарурати туғилгани боис дўкон ҳам вақтинча ёпилган.

Таажжубки, Ш. Худойбердиев масаланинг бу жиҳатларини ҳисобга олмайди. Савдо пули саналганда бояги 1000 сўмдан бошқа пул чиқмаганининг ўзиёқ дўкон ишламаганидан далолат беришини англаса-да, шаштидан қайтмайди. Қандай бўлмасин, ҳуқуқбузарлик рўй берганини исботлашга уринади. Шошганидан тартиб-қоидани устма-уст бузади: Нодирни дўкон сотувчиси сифатида расмийлаштириб, унинг тушунтириш хатини Ихтиёрга ёздиради. Маъмурникини ўзи қоғозга тушираркан, “вақтинча ишсиз” деган сохта маълумот битади. Ихтиёрнинг машғулоти турини яшириб, фақат яшаш манзилини келтириш билангина кифояланади. Боз устига, “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га тегишли ёзув киритмайди. “Анор” раҳбарини тадбир ўтказилаётганидан огоҳлантирмайди. Ҳеч курса, далолатнома нусхасини дўконда қолдирмайди.

Вазифасига лоқайдлик борасида СВОЖҚКБ бошлиғи Ҳусан Эгамбердиев ходимидан-да ўтиб тушади. Нодирни суҳбатга чақирмай, иш ҳужжатлари билан таништирмай, ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминламай туриб, шошилинч чора кўради. Унинг ҳаракатларида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 164-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги юзасидан тўлдирилган баённомага асосланган ҳолда, энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солиш ҳақида орқаваротдан қарор чиқаради. Бироқ Нодир ишни кўриш жойи ва вақтидан хабардор қилинганига, борди-ю, аксинча бўлса, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишга асос бўлувчи бирортаям далилни илова қилмайди. Айни чоғда, ҳар эҳтимолга қарши, “Ҳуқуқбузар қарор нусхасини олишдан ва имзо чекишдан бош тортди” деган жумлани тиркаб қўяди.

Солиқ инспекцияси бошлиғи У.Чоршанбиев ҳам шундай камчиликларга йўл қўяди. Текшириш нохолис ўтказилган, далолатнома ҳуқуқбузарлик субъекти ҳисобланмайдиган фуқаронинг ҳаракати юзасидан ва бирёклама тузилган, фирма раҳбари ундан бехабар қолган эса-да, “Анор”га энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида молиявий жарима солади.

Қарабсизки, икки ўртада ихтилоф туғилади. Ислом Усмонов ҳимоя истаб, вилоят адлия бошқармаси эшигини қоқади. Бу идорадагилар можаро сабабларини батафсил таҳлил этиб, солиқ инспекцияси ва СВОЖҚК қарорлари ноқонуний деган тўхтамга келадилар. Уларни бекор қилиш тўғрисида судларга тақдимнома ва даъво-ариза киритадилар.

Маъмурий жаримага оид низо 2003 йил ёзи ва кузида аввал жиноят ишлари бўйича Ховос тумани, сўнгра Янгиер шаҳар судида дастлабки босқичда кўрилади. Музокаралар чоғи гувоҳлар Саида Дадаева ва Зарофат Шарипова хатоларини рўй-рост тан олишади. Инспектор йўриғига йўрғалаганликларидан пушаймон чекишади. Иш вақтида постини ташлаб кетган “харидор” Маъмур Мақсудов эса ҳар гал турлича кўргазма беради. Муқаддам адлия бошқармасига “Мен дўконга борганим ҳам, харид қилганим ҳам йўқ. Фақат кеч соат саккизларда Шавкат Худойбердиевнинг кабинетида олдиндан тайёрлаб қўйилган тўртта қоғозга, нималар ёзилганини ўқимасданоқ имзо чеккандим” мазмунида тушунтириш хати ёзиб берган бўлса-да, судда тескарисини айтади. “Шавкат ака кечқурун ўз хонасида қўлимга пул тутқазиб, “Анор”га қарашли дўкондан арoқ олиб беришимни сўради. Мен унинг илтимосини бажардим. Сотувчи чек бермади. Бу ҳақдаги далолатномага ва номимдан битилган тушунтириш хатига прокуратура биносида қўл қўйганман. Адлияга мактубни эса, бировнинг гапи бўйича ёзганман”, дейди. Бундан қатъи назар, судлар масалага холисона ёндашадилар. Иккиси ҳам СВОЖҚК бошлиғининг Нодир Қаюмовни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш жоизлигини таъкидлайди. Вилоят суди бу хулосани ўзгаришсиз қолдиради. Бинобарин, биринчи муаммо ижобий ечим топади.

Ўша йил, 24 октябрга келиб, адлия бошқармаси “Анор” манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига киритган даъво талаблари ҳам қаноатлантирилади. Тадбирга текширувчига таниш гувоҳ ва атиги битта холис жалб этилгани, молиявий жаримага боғлиқ иш фирма вакили иштирокисиз кўрилгани туфайли солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

Хўш, кейин-чи?..

2004 йил бошида иккинчи иш Олий хўжалик судига келиб тушади. Кассация судлов ҳайъати уни Боёвут тумани давлат солиқ инспекцияси шикояти асосида кўриб чиқади. Пировардида туман ҳокимлиги томонидан берилган махсус рухсатномада дўкон мудири сифатида Нодир Қаюмов кўрсатилганини, унинг ҳуқуқбузарлиги Маъмур Мақсудов кўргазмалари билан исботланганини, молиявий жарима сотувчига эмас, фирмага нисбатан қўлланганини таъкидлаб, қуйи суд қарорини бекор қилади. Шундан сўнг можарога Адлия вазирлиги мутахассислари аралашадилар. Улар амал қилиш муддати аллақачон тугаган гувоҳнома аслида Нодир Қаюмовга нотўғри берилгани, Ихтиёр Жалилов ва Маъмур Мақсудов холис гувоҳлар бўлолмаслиги қонуний баҳосини олмаган деган хулосага келадилар. Масалани такроран ўрганиб чиқишни сўраб, Олий хўжалик судига икки бор хат йўллайдилар. Бироқ бултур август ва октябрь ойларида сўнгги қарорга протест келтиришга асос йўқлиги ҳақида жавоб оладилар...

Хуллас, кўриб турибсиз, кимдандир ўтган хатонинг асорати, икки йилдирки, барҳам топмаяпти. Ҳали ундоқ-ҳали бундоқ талқин этилаяпти. Ўз навбатида, Ислом Усмонов ҳам лоқайдлигининг — бировга ортиқча ишонишининг жабрини тортаяпти. Тадбиркорликка қўл урганига, эларо маломатга қолганига минг бор афсус чекиб, овора-ю сарсон бўлиб юрибди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Академик Салоҳиддин МАМАЖОНОВ



Салоҳиддин Мамажонов мамлакатимизнинг етакчи адабиётшуноси ва адабий танқидчиларидан бири эди. Олим Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Боту, Ойдин каби сўз санъаткорларининг ижодини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди, бадиий маҳорат ва ёзувчи услуби масалалари бўйича эътиборли тадқиқотлар олиб борди. У 30 дан ортиқ монография, китоб ва рисола, 400 га яқин илмий ва илмий-оммабоп мақолалар эълон қилди, ҳамкорликда олий ўқув юртлари учун “XX аср ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек тили ва адабиёти” каби дарслик ва қўлланмалар яратди.

Шафқатсиз ўлим таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, академик Салоҳиддин Мамажонович Мамажоновни 74 ёшида орамиздан олиб кетди.

Салоҳиддин Мамажонов 1931 йилда Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида, деҳқон оиласида туғилди. 1952 йили Фарғона педагогика институтини битиргач, мактабда ўқитувчи, туман халқ таълими бўлимида катта нозир лавозимларида ишлади. 1954-57 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. 1958 йилдан умрининг охиригача мазкур институтда кичик илмий ходим, катта илмий ходим, бўлим мудири лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. 1968 йилда “Ғафур Ғулом маҳорати” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

С. Мамажонов филология соҳасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлигида 30 дан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Академик Салоҳиддин Мамажоновнинг ўзбек адабиётшунослиги равнақига қўшган ҳиссаси, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Унга “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” унвони берилган, республика Давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Бутун умрини ўзбек адабиётшунослиги тараққиётига, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга бағишлаган таниқли олим, меҳрибон мураббий, камтарин инсон Салоҳиддин Мамажоновнинг хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.**

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Қўшинлар чиқиб кета бошлади

*Якшанба куни Сурия армиясининг ҳаво ҳужумига қарши сўнгги бўлинмалари Ливандаги ўз позицияларини тарк эта бошлади, деб хабар беради Reuters. Шу тариқа, расмий Дамашқ қўшинларни Ливандан олиб чиқиш жараёнининг биринчи босқичини ўз якунига етказди. 14 минг кишилик қўшиннинг қарийб учдан бир қисми Сурияга қайтиб келди.*

*Апрель ойи бошига қадар икки давлат вакилларидан иборат қўмита қолган ҳарбийларни олиб чиқиб кетишнинг аниқ муддатини белгилаши лозим. БМТ Бош котиби Кофи Аннан шу йил май ойига келиб, яъни бу мамлакатда умумхалқ сайловлари ўтказиладиган пайтда Сурия армияси Ливанни бутунлай тарк этишига умид билдирди.*

### Тушкунлик ва истеъфо

*БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташкилот обрўсига путур етказган бир неча жанжаллардан сўнг ўз лавозимини тарк этишга яқин турибди. Аннанга яқин бўлганларнинг айтишича, ҳамжамият раиси кучли тушкунликни бошдан кечираяпти ва у ўз келажаги ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Бу энг аввало, унинг ўғли Кожо Аннаннинг “Нефть ўрнига озиқ-овқат” шартномасига дахлдор жанжалларга аралашиб қолиши билан боғлиқ. БМТ ва Ироқнинг собиқ ҳукумати ўртасида имзоланган мазкур шартнома воқеаси ҳозир АҚШ Федерал резерв тизими раҳбари Пол Волкер бошчилигидаги махсус комиссия томонидан текширилмоқда.*



*“БМТ Бош котиби ё ўз лавозимини, ё ўғлининг тақдирини танлаши керакка ўхшайди”, деб ёзади Британиянинг The Times газетаси.*

### 158 миллион еврога суғурта

*2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати 158 миллион еврога суғурта қилинди. Турнир жойи ёки ўтказиш муддатлари ўзгарган тақдирда 100 миллион евро миқдоридаги суғурта тўланади. ФИФА, ЖЧ-2006 ташкилий қўмитаси ва Hamburg Mannheiner суғурта компанияси ана шундай келишувга эришдилар. Шартномага кўра, суғурта чемпионатнинг барча иштирокчилари, хусусан, ташкилий қўмита раҳбари Франц Беккенбауэр, 12 минг нафар ихтиёрий ёрдамчилар ҳамда ўйинларни стадионларда томоша қилувчи 3,2 миллион нафар томошабинларни қамраб олади.*



### ЕИнинг қарори

*Франция президенти Жак Ширакнинг Японияда бўлиб ўтган матбуот анжуманида берган баёнотига қараганда, Европа Иттифоқи яқин келажакда кунчиқар мамлакат билан янги термоядровий реактор яратиш бўйича келишув тузиши мумкин. Айни пайтда ЕИ ва Япония мазкур тажриба реакторини қаерда қуриш борасида бир тўхтамга кела олмаяпти. Аввалроқ, европаликлар агар Япония билан битим тузилмаса, тахминан 13 миллиард долларга баҳоланаётган реакторни якка ҳолда барпо этишини билдирган эди.*

### Вирус қурбонлари ортмоқда

*Анголага отланган сайёҳлар ушбу мамлакатда хавфли Марбург вируси тарқалганлиги тўғрисида огоҳлантирилмоқда. Дастлаб ўтган йилнинг октябрь ойида Ангола шимолида тарқалган бу вирус ҳозиргача 121 нафар инсоннинг ҳаётига зомин бўлди. Касалликни юқтирганларда юқори ҳарорат, кўнгил айниши ва бошқа ёмон асоратлар кузатилмоқда. Яқинда яна 132 киши касалхонага ётқизилган бўлиб, мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари вазият ўта ёмонлигини тан олишди.*

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

ИСПАНИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
ШАКАР ЎРНИНИ БОСУВЧИ МОДДАЛАР
(таркиби аспартам, сахариндан иборат), ширинлик коэффициенти 160-200 бўлган маҳсулотлар Тошкентдаги омборхонадан сотилади.
Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади.
Нархлар 7500 сўмдан 1 кг. учун.
Маҳсулот сертификатланган.
Телефонлар: 173-53-57, 173-97-53.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, «Қатортол» к., 60-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

UCD Micros O'quv Markazi
Boshlovchilar uchun “Kompyuterni ofisda ishlatish”
Microsoft Windows XP
Word 2003
Excel 2003
Outlook Express 6.0
Internet Explorer 6.0
120-71-35, 132-07-14, 132-07-21

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
ROSAVA
DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА
ИСТОК
«РОСАВА» ЁАЖ, Украина, Белая Церковь ш.;
«Днепрошина» ОАЖ, Украина, Днепропетровск ш.;
«Омскшина» ОАЖ, Россия, Омск ш.;
«Уралшина» ОАЖ, Россия, Екатеринбург ш..
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН,
ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84.
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Шунингдек, «ИСточник ТОка Курский» аккумулятор заводининг «Исток» аккумуляторлари (Россия, Курск шаҳри).
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., Мирпустин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Товар сертификатланган
ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!
Ўзбекистонда биринчи бўлиб "ALCOPON" Алюминий-композит панеллар ишлаб чиқарувчи "AND-POLIC" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Тошкент ва Андижондаги омборларидан мавжуд бўлган қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:
"ALCOPON" алюминий-композит панеллар

| Ранги рақами | Ранг | Панелнинг қалинлиги | Алюминий фольга қалинлиги |
|---|---|---|---|
| Бинонинг олд қисмини безатиш учун | | | |
| AP-LB 1001 | Кумуш | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 1003 | Қора | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 1005 | Шампан заррачалари | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 3003 | Оқ | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 3005 | Тилла | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 4002 | Кўк | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 5001 | Сут ранги | 4 мм | 0.4 мм |
| Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар) | | | |
| AP-LB 7001 | Тўқ-қизил | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 7002 | Тўқ-зангор | 4 мм | 0.4 мм |
| AP-LB 7003 | Оч-қизил | 4 мм | 0.4 мм |
| Бинонинг олд қисмини безатиш учун | | | |
| AP-LB 1003 | Қора | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 3005 | Тилла | 3 мм | 0.21 мм |
| Декоратив (гранит ва мармарга мос тусдаги панеллар) | | | |
| AP-LB 8001 | Зангор | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 3002 | Қизил | 3 мм | 0.21 мм |
| AP-LB 8003 | Сут ранги | 3 мм | 0.21 мм |

Панелларнинг узунлиги харидор хоҳиши бўйича ўзгартирилиши мумкин.
Панелларнинг стандарт ўлчамлари: 1220 х 2440 мм.
Ваколатхона: Ўзбекистон, Тошкент ш, Муртазоев кўч, 6/89
Тел.: +(99871) 1348216, факс +(99871)1348357
E-mail: andpolic@rol.uz
AND-POLIC
Завод: Ўзбекистон, Андижон ш, Пирмухамедов кўч, 96
ШАҲРИМИЗ ЗАМОНАВИЙ ВА ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛСИН!

***Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига***

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига тайёргарлик дастурига мувофиқ шаҳардаги кўпгина меъморий обидалар таъмирланиб, тарихий қиёфаси тикланмоқда. Эски шаҳар ҳудудида жойлашган Хўжа Абдулазиз мадрасаси ҳам ана шундай ёдгорликлардан биридир.*



# САЙҚАЛ ТОПАЁТГАН ОБИДА

Мадраса ўз даврининг бой ва саховатли кишиларидан саналган Хўжа Абдулазизбой томонидан қурдирилган бўлиб, унинг асл кўриниши ҳозирга қадар нисбатан яхши сақланиб қолган. Бу ерда бир марта мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган эди. Ўшанда мадрасанинг мавжуд 27 та ҳужраси ораларидаги баъзи деворлар бузилиб, хоналар кенгайтирилган экан. Ўз вақтида диний марказ вазифасини ўтаган бу бинода 1975 йилда вилоят ўлкашунослик музейи жойлаштирилган ва у таъмирлаш ишлари бошлангунига қадар шу жойда фаолият кўрсатган эди.

— Мадраса анча таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди, — дейди вилоят ўлкашунослик музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Солижон Пўлатов. — Ёғингарчилик оқибатида иншоотнинг ички қисмига сув сизиб ўтган ва деворлар ҳамда ҳужралар шифтларидаги ғиштларнинг сифатига жиддий таъсир ўтказган эди. Ҳатто, дарз кетган жойлари ҳам бор. Бундан ташқари мадрасанинг ташқи кўринишига ўзига хос чирой бахш этиб турган икки гумбазнинг сири деярли кўчиб бўлганди.

Айни кунларда Хўжа Абдулазиз мадрасасида таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ерда "Обидаларни илмий таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятининг моҳир уста-хизматчилари ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

— Ташкилотимиз айнан тарихий обидаларни таъмирлашга ихтисослашган, — дейди жамият раиси Жаҳонгир Халилов. — Бу борада ишчиларимиз катта тажрибага эгалар. Насиб бўлса, барча ишларни тез ва сифатли қилиб ниҳоясига етказамиз.



Дарвоқе, мадраса ҳужраларининг олдин олиб ташланган деворларини қайта тиклаш ҳам кўзда тутилган. Зеро, тарихий обиданинг айрим сабабларга кўра ўзгартирилган жойлари яна асл ҳолига келтирилади. Негаки, Хўжа Абдулазиз мадрасаси тарихий ёдгорлик, уни асл ҳолича келгуси авлодларга етказиш муҳим вазифамиздир.

— Бундай шарафли масъулиятни кўнглимда ҳис этиб ишлаяпман. Иншоотни таъмирлашда иштирок этиб, ҳам ўзим учун, ҳам келажак учун хизмат қилаяпман,

— дейди ғишт терувчи уста Исмоил Исмоилов. Бу ерда ишлаётганлар Исмоил аканинг фикрига қўшилдилар. Шундай экан, осори атиқаларнинг умри узайиб, асрлар ўтса ҳам кўз олдимизда узоқ ўтмиш тарихини гавдалантириб тураверади. Зеро, тарихий хотирасиз келажак йўқлиги ҳаммага аён.

**К.КАРИМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: Хўжа Абдулазиз мадрасасининг умумий кўриниши; «Обидаларни илмий таъмирлаш» МЧЖ раиси Жаҳонгир Халилов (чапда) ташкилот меъмори Алишер Махмасанаевга амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида кўрсатма бермоқда.**

**Муродулла КОМИЛОВ олган суратлар.**

# 2456 КИЛОМЕТР ПИЁДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марафонни ўтказишда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Олий ва ўрта-махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Ўзтелерадио» компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлик қилдилар.

27 март куни марафоннинг сўнгги якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Барча йўналишлар бўйича қарийб 2456 километр масофани босиб ўтган марафон иштирокчилари ўртасида пойтахтимиздаги талабалар шаҳарчасидан Наврўз мажмуасигача бўлган 13,5 километрга ташкиллаштирилган мусобақа ҳақиқий байрам тусини олди. Унда спортчилар билан бирга пойтахтимиздаги кўплаб олий ўқув юртлари талабалари фаол қатнашдилар. Умуммамлакат оммавий марафонида умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти спортчилари биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ўрин Фарғона вилояти, учинчи ўрин эса Сурхондарё вилоятлари жамоаларига насиб этди. Шахсий беллашувда эркаклар ўртасида тошкентлик Аъзам Алиев шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Андижон вилояти вакиллари Дилмурод Ўктамов ва Шерзод Фозилжоновлар иккинчи, учинчи ўринларни банд этишди. Қизлар ўртасида фарғоналик Мария Хмелевская биринчи бўлди. Тошкент вилояти вакили Валентина Макарова иккинчи ва яна бир Фарғона вилояти аъзоси Зиёда Абдуллаева учинчи ўринни эгаллади. Сўнгги 13,5 километрга югуриш баҳсида эркаклар ўртасида самарқандлик Руслан Носиров, қизлар ўртасида эса фарғоналик Мария Хмелевская маррага биринчи бўлиб етиб келишди. «Марафон гўзали» номинациясини Тошкент вилояти вакили Валентина Макарова қўлга киритди.

— Енгил атлетика билан анча йилдан бери шуғулланиб келаман, — дейди фарғоналик Зиёда Абдуллаева. — Яқинда ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида 800 метрга югуришда иккинчи ўринни эгаллагандим. Марафонда ҳам совринли ўрин насиб этди. Олимпиада ўйинларида энг кўп медаллар шу тур бўйича қатнашган спортчиларга берилади. Умид қиламизки, ушбу марафон нуфузли мусобақаларда ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири А. Азизхўжаев сўзга чиқиб, марафон муваффақиятли ўтганини таъкидлади. Марафоннинг тантанали ёпилиш маросимида ғолибларга диплом ва махсус совғалар топширилди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Мини-футбол

## Мамлакат кубоги жиззахлик талабаларда

***Мини-футбол бўйича талабалар жамоалари ўртасида ўтказилган республика кубоги мусобақалари ниҳоясига етди.***

Беллашувнинг финал босқичи Жиззах Олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг 9 та жамоаси иштирок этди.

Республика кубоги мусобақаларининг финалида қатнашиш фарғоналик ҳамда жиззахлик талабаларга насиб қилди. Муросасиз, деярли тенгма-тенг курашлар остида ўтган сўнгги ўйинда омад майдон эгалари томонда бўлди. Учрашув 3:2 ҳисобида якунланди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


**«O`ZGIITI» ОАЖ**

**акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 8 апрель куни соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 38-уй, «O`ZGIITI» ОАЖ биноси.**

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Ўзбекистон Республикаси «Давархитекткурилиш» қошидаги «ЎзГИИТИ» ва «ТошГИИТИ» институтлари негизида Қурилишда муҳандислик қидирув, геоинформатика ва давлат шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида.**

**Акциядорлар реестри 2005 йил 1 апрелда ёпилади.**

**Акциядорлар жамият биносида рўйхатдан ўтказиладилар.**

**Акциядорларда паспорт, акциядорлар вакилларида эса паспорт ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши керак.**

**Муҳим факт тўғрисида маълумот**

**Маълумотнинг тартиб рақами — 07**

**Реестрнинг ёпилиш санаси — 2005 йил 1 апрель. Қарор жамият кузатув кенгаши томонидан 2005 йил 10 мартда қабул қилинган.**

*Кузатув кенгаши.*

389R/503



**Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2005 йил 7 февралдаги 11-0415/4658-сонли қарорига мувофиқ "Ана Текстиль Ко Лтд" қўшма корхонаси банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш ишлари бошланди.**

2005 йил 4 апрель соат 11:00да Ўзмиллийбанк биносида (А.Темур кўчаси, 101-уй) тугатиш ишлари бошқарувчиси номзодини сайлаш учун "Ана Текстиль Ко Лтд" ҚК кредиторларининг умумий йиғилиши бўлади.

Қўшимча маълумотлар учун Кичик бизнес бош бошқармасига, Ким Викторияга мурожаат қилиш мумкин: Vkim@central.nbu.com

NBU

Мулоқот учун телефонлар: 135-59-15, 135-17-02, 137-59-47, www.nbu.com

404Н/355



**«G'ALLA-ALTEG» ОАЖ**

**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2005 йил 5 апрель куни соат 15.00 да Тошкент шаҳар, Элбек кўчаси, 37-уйда ўтказилишини маълум қилади.**

**Кун тартиби:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПП-29-сонли «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси ва жамият низом жамғармасини ошириш тўғрисида.*
2. *Жамият уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисида.*
3. *Жамият эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида.*

*Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати ОАЖнинг 2005 йил 15 февраль ҳолатига ёпилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.*

*Акциядорларни рўйхатга олиш — соат 14.00 дан 14.50 гача.*

**Маълумот учун телефонлар: 67-53-10, 68-36-51.**

*Кузатув кенгаши.*

405R/598





ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

## Кўзи мошдек очилди

Александр Б. Олмалиқ шаҳрида яшайди. У яқинда ишдан қайтиб келса, уйининг деразаси синган, хонадон шип-шийдам қилиб кетилган. Ҳалол меҳнати эвазига орттирган бойлигини бир зум кўз олдига келтирди, бирдан танасини совуқ тер қоплади. Шаҳар ички ишлар бўлимига воқеа ҳақида хабар берди. Тезкор кўрилган тадбир туфайли ўғриларнинг изи топилди. Маълум бўлишича, уйни чирчиқлик икки кимса — 1984 йилда туғилган Рустам ва 1986 йилда туғилган Нозим тунаб кетган экан.

Ўмариб кетилган 1 миллион юз минг сўмлик буюм эгасига қайтарилди. Қилмишларига яраша олган жазодан икки «ҳамтовоқ»нинг кўзи мошдек очилди. Энди, зора, бойлик қинғирликда эмас, меҳнатда эканлигини англашса...

## «Қора савдо»нинг – қора доғи

Жиззах шаҳрилик Умид бундан икки йил бурун қинғирлиги учун судланган эди. Уттиз ёшга ҳам кирмаган бу йигит ҳали тавбасига таянмаган кўринади. Йўқса, у яна эгри йўлни танламасди...

Воқеа бундай бўлди. Умид термизлик Жасур ва Эркин билан қорадори олди-бердиси бўйича гапни бир жойга қўйиб, фойдани «арра» қилишга келишди. Улар айтилган «товар»ни олиб, белгиланган вақтда келишилган манзилга боришди. Харидорларнинг ўша ерда эканлигидан учовининг оғзи қулоғига етди. Аммо «ҳамтовоқ»ларнинг «мол» олди-бердиси чоғи теваракка олазарак боқиши «ишнинг пачаваси»ни чиқарди. Уларнинг бу хатти-ҳаракатидан шубҳаланган ички ишлар ходимлари келиб текширишганида, уч оғуфуруш жиззахлик Ойбек ва Элёрдан саккиз грамм опий моддасига 38 минг сўм пулни санаб олаётгани устидан чиқишди. Айтганча, Элёрнинг ёнидан 3 грамм қорадори ҳам топилди.

## Қароқчи қизлар

Бу воқеа Тошкентнинг серқатнов — Амир Темур метро бекатининг пиёдалар ўтиш жойида, куппа-кундузи юз берди. Юнусобод туманида яшовчи Элла ўқишдан қайтаётганди. Шу ерда икки қиз унинг йўлини тўсди. Улардан бири Эллани четга тортди. Иккинчиси унинг бўйнидаги кумуш тақинчоқни юлқиб олди. Элла тақинчоқни қайтариб олишга уринганида эса биринчи йўлтўсар эпчиллик билан унинг бармоғидаги узукни суғуришга улгурди...

Шу пайтда Элла учратган ички ишлар ходимларидан нажот сўрагани иш берди: йўлтўсарлар узоққа кетишга улгурмади. Аён бўлишича, бу икки кимса — Бектемир туманида яшовчи 1985 йилда туғилган Ольга ва шаҳарнинг Мухтор Авезов кўчасида яшовчи Нина экан. Энди икки йўлтўсар қароқчилиги учун қонун олдида жавоб беради.

**Х. ЭШМАНОВ тайёрлади.**

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви ва жамоаси уста ошпаз **Абдураҳмон ҳожи АЗИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Bioekosan» Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси жамоаси директор ўринбосари, профессор Жаҳонгир Сидиқовга падари бузруквори **ТЕМУРХОНТЎРА отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5